O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

ЎШБУ СОҲДА:
2 КОРХОНА НЕГА БАНКРОТ БЎЛДИ?
3 МУТТАҲАМНИНГ "ПАРВОЗ"И
4 СОҒЛОМ АВЛОД КАФОЛАТИ
ЁЛЛАНМА ҚОТИЛ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 45 (451)
2005 йил
29 ноябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 17-МОДДА.



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлаш арафасида турибди. Бу қутлуғ сананинг аҳамияти ва қадри йиллар ўтгани сайин ўзининг улуғворлиги билан янада яққолроқ намоён бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош Мустафоев билан Конституциямизнинг истиқлолимиз ва истиқболимиз ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Мустақиллик шарофати билан 1992 йил 8 декабрда ўзимизнинг янги Конституциямизга эга бўлдик, — дейди Б. Мустафоев. — Асосий қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. У Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Албатта, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси аввало унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Шу маънода, Ўзбекистон Конституцияси – Ўзбекистон халқининг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Конституцияни яратиш тарихига тўхталадиган бўлсак, ушбу ҳужжат лойиҳаси устида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги нуфузли комиссия икки йил давомида ишлади. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, билдирилган фикрлар билан бойитилди, сайқал топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатимиз Конституциясини яратишда халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг Конституция яратиш тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топди. Қардошлик ва дўстлик анъаналари, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам Конституцияда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, **авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра бутунлай янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган.**

Конституциямиз, унинг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни, қонунийликни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Бошқача айтганда, давлатимизнинг ҳуқуқий тизими марказида Конституция туради. Демак, давлатимиз фаолиятида қонунийликнинг амал қилиши учун асосий манба ҳам Бош Қомусимиздир.

Истиқлолнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда барча соҳаларни ўз ичига қамраб олган кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Мазкур жараёнда давлат ва жамият қурилишига доир ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Конституциямизда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу принципга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият умумдавлат вакиллик органи ҳисобланиб, қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқаради. Бу ҳокимиятни Олий Мажлис амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Булардан фарқли равишда, суд ҳокимияти, асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Айни пайтда, суд ҳокимияти юқорида тилга олинган ҳар икки ҳокимиятдан, шунингдек, сиёсий партиялар, бирлашмалардан мустақил ҳолда фаолият юритади. Кези келганда, Конституциямизда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

2004 йилнинг декабрида Ўзбекистонда илк маротаба икки палатали парламентга сайлов бўлиб ўтди. Бу улкан ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеа мамлакатимизнинг очиқ, эркин ва демократик сайловни таъминлаш йўлидан оғишмай бораётганини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намойиш этди. Унда сайловчиларнинг 85 фоизидан ортиғи қатнашди. Айниқса, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги ўринлар бўйича кескин рақобатда округларнинг деярли 77 фоизида бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди. Сайловда дунёнинг қиррқа яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи қатнашди. Миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва стандартларга тўлиқ мос ҳолда ўтган сайловлар Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганини жаҳон афкор оммасига рўй-рост намоён этди.

Истиқлол йилларида давлат бошқарувининг замонавий тизимини шакллантиришга эришилди. Бу эса Президентимиз Ислом Каримовнинг демократик жамият асосларини қуришга қаратилган қатъий, изчил сиёсатининг самараси сифатида рўёбга чиқди.

(Давоми иккинчи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Бош қомусимиз бўлмиш Конституциямизни қабул қилинганига ўн уч йил тўлаётир. Асосий қонунимиздаги ҳар бир қоида замирида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ғоялари, инсон, унинг ҳаёти, эрки, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ҳамда қонунлар билан ҳимоя қилиниши яққол англашилиб туради.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МАҚСАДИ

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқаришдир

Конституциянинг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритганда кейинги йилларда давлат ҳокимиятини ташкил этиш борасида амалга оширилган сиёсий ўзгаришларни тилга олиш жоиз, албатта. Зеро, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш жараёнида тарихан қисқа давр ичида тўпланган тажриба, халқаро андозалар, қолаверса, миллий давлатчилик ривожининг тарихий тажрибасига таянилган ҳолда қонун чиқарувчи давлат вакиллик идораси — Олий Мажлиснинг икки палаталик асосда фаолият кўрсата бошлангани фикримизга яққол далил бўла олади.

Маълумки, жаҳондаги илғор давлатлар тажрибасида парламент назорати тушунчаси мавжуд. Уни амалга оширишда турлича ёндашилади, яъни парламент назорати усул ва услубларининг ҳар хиллиги билан ўзаро фарқ қилади. Мамлакатимиз Олий Мажлисининг ҳар иккала палатаси ҳам парламент назоратини амалга оширади. Аммо қуйи ва юқори палатанинг ваколатлари нуқтаи назаридан, парламент назоратини амалга оширишда маълум тафовутлар, фарқли жиҳатлари бор. Масалан, Қонунчилик палатаси депутатлари партия фракцияларига бирлашгани сабабли, парламент назоратини қўмиталардан ташқари фракциялар орқали ҳам амалга оширади. Сенатда эса сенаторлар ҳудудий вакиллар ҳисобланади. Шу боис, Сенатда бу масалага ҳудудий манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда ёндашилади.

Шу ўринда парламент назорати тўғрисида Конституция ва қонунларда қандай тушунча ёки меъёрлар мавжуд, деган савол туғилиши мумкин. Конституциянинг 86-моддасида Сенат Раисининг ваколатларидан бири Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиш, деб белгилаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, парламент назорати Олий Мажлис фаолияти давомида тажрибада синовдан ўтиб, такомиллашган институт ҳисобланади. Ёдингизда бўлса, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида"**ги илгариги қонуннинг 23-моддаси, 10-11-бандларида парламент назорати:

- қонунлар ва Олий Мажлис қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатлари, қўмиталар, комиссиялар тавсиялари бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитишдан иборат, деб кўрсатилган эди.

Сенат фаолияти билан боғлиқ амалдаги қонунларда бу меъёр янада такомиллашиб, мазмун жиҳатидан бойитилди. Жумладан, Конституциянинг 87-моддаси, иккинчи қисмида Олий Мажлиснинг Сенати муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорлар ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталар сайлайди, дейилган. Сенат регламенти тўғрисидаги қонуннинг 32-моддаси, тўртинчи қисмида эса, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарларининг қонунларга қандай риоя этишаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиш Сенат қўмиталарининг иш режаларига мувофиқ ўтказилиши белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан, Сенат томонидан қонунларнинг ижроси бўйича назоратни амалга ошириш вазифаси бевосита қўмиталар зиммасига юклатилган.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Поёнига етиб бораётган 2005 йил дунё миқёсида олиб қаралганда, муҳим сиёсий, ижтимоий- иқтисодий воқеаларга, қувончли ва кўнгилсиз ҳодисаларга, табиат ва жамият ҳаётидаги фожеаларга бой бўлди. Қайсидир давлатлар тараққиёт поғоналаридан юксалган бўлса, қайсидир мамлакат ҳаёти инқирозга юз тутди.

Бу воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси жаҳон халқларининг гоҳ таҳсини, гоҳ афсусига сазовор бўлди. Албатта, уларнинг аҳамиятини вақт белгилайди, тарих баҳолайди. Бироқ, сиёсат оламида олға қараб қўйилган шундай хайрли қадамлар бўладики, ўзининг баҳосини бугун олади, аниқроқ айтганда, бугуннинг ўзида эътирофга сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ўтаётган йилнинг дунё миқёсидаги тарихий воқеаси шу йил 14 ноябрда Москва шаҳрида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Шу воқеа муносабати билан жаҳон оммавий ахборот воситаларида турли шарҳлар, мулоҳаза ва мушоҳадалар пешма-пеш эълон қилинди ва эълон қилинмоқда. Бу табиий бир ҳол. Чунки ўзини сиёсат оламининг теран билимдони деб ҳисоблаган мутахассислар, сиёсатшунослар, давлат арбоблари учун Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг бу поғонага кўтарилиши ҳайратланарли ҳодиса бўлди.

Мустақиллик йиллари тарихи бизга бир нарсани ўргатди: Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ҳар бир ютуғи ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, майдонга кутилмаган дўстлар, хайрихоҳлар ва ғанимлар қалқиб чиқади-да, ақли етар-етмас баҳолашга тушиб кетади. Ажабтовур ақлли фикрлар билан бирга ликда ғирт ғаламисликдан иборат мушоҳадалар ҳам ўртага ташланади.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кўнгли тоза, фикри холис, жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларга, сиёсий майдонлардаги эврилишларга соғлом ақл билан – бугунги куннинг реал воқелиги ва унинг таджирий ривожланишидан келиб чиқиб баҳолайдиган доно сиёсатчилар Россия ва Ўзбекистон муносабатларида рўй берган бу туб бурилишни ижобий баҳоладилар.

Чунки ҳудудининг ҳажми жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, теран тарихга, бой маданий, миллий ва маънавий меросга эга бўлган икки мамлакатнинг бир-бирига бу даражада яқинлашуви, стратегик шерикликдан сиёсат, иқтисод, ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳасида иттифоқчига айланиши жаҳоннинг бугунги тарихида янги саҳифани очиб берди.

Учинчи бир мамлакатнинг манфаатларига дахл қилмайдиган, аксинча, бошқаларга ҳам ибрат бўладиган бу яқинлашув ўз мазмун-моҳияти ва кўламига кўра икки давлатнинг қудратини оширишга, халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга, тараққиётга халақит берадиган ҳар хил тўсиқларни бирга ликда бартараф этишга хизмат қилажаги таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Оқилона ва одилона тузилган Шартнома туфайли сиёсий ва ҳарбий соҳада икки мамлакат бир-бирининг суянчи ва таянчига айланган, икки юрт манфаатларини тенгма-тенг ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган бўлса, иккинчидан, бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳаётга чуқур сингиб бораётган бир даврда бир-бирининг хомашё манбаига ва бир-бирининг бозорига айланажаги ҳам бу дўстликнинг истиқболи порлоқлигидан шоҳидлик беради.

Аммо... ҳали ҳамон ўтган асрдан қолган фикр ва тушунчалардан қутула олмаган, шуурини жаҳолат ғуборлари босган айрим сиёсатдонлар яна енг шимариб, тарози паллаларини ўз билганларича ўйнатишга тушдилар.

Кимдир бу Шартнома кўпроқ Ўзбекистон манфаатига хизмат қилади, деса, бошқаси "йўқ, бундан фақат Россия манфаатдор, яъни..." деган асоссиз фикр ва тахминларни, фаразларни ўртага сола бошладилар.

Баъзи бирлари бугунги муносабатлар билан ўтмишдаги воқеаларни таққослашга, чор Россияси бу юртни босиб олган эди, шўролар даврида ҳам, гарчи республика ҳисобланса-да, Ўзбекистон ярим мустамлака эди, деган даъволарни рўкач қилишга, Шартномани ўша даврга қайтарадиган ҳужжат қилиб кўрсатишга, ундаги эзгу мақсад ва муддаоларнинг моҳиятини ерга уришга уринмоқдалар.

Халқимиз кўп фикрлилик турмуш тамойилига айланган бугунги даврда, шу тарздаги мулоҳаза ва мушоҳадаларга босиқлик билан муносабатда бўлиб ўз танлаган йўлидан кетишга ўрганган.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида турмуш тарзимизда жуда кўп янги-янги ибора ва атамалар кириб келди. Мисол учун "фермер" ва "тендер" иборасини олиб кўринг. Бундан ўн беш, йигирма йил аввал бу иборалари мутлақо тилга олмасдик. Бугун эса уларни ҳар куни қўллаймиз. Унинг мазмун-моҳиятини ҳам ҳар биримиз яхши тушунамиз.

МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПАЁТГАН ОДАМЛАР

Ёдингизда бўлса, мустақилликка қадар деҳқон икки ном билан аталарди. Агар у колхоз аъзоси бўлса, колхозчи, совхозда ишласа, ишчи, деб юритиларди. Ўша йиллардаги деҳқоннинг даромади ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки деҳқон йил ўн икки ой даладан бери келмасди. Лекин ҳар қанча тер тўкмасин, барибир, унинг косаси оқармасди. Чунки собиқ тузум даврида деҳқонга фақатгина арзон ишчи кучи сифатида қаралган. Унинг дардини тинглаб, меҳнатининг қадрига етадиган одамнинг ўзи йўқ эди.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган илк йиллардан бошлаб ушбу соҳада ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди. Энг аввало, деҳқонда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини шакллантириш керак эди. Худди шундай бўлди ҳам. Айнан фермерлик ҳаракатининг бошланиши деҳқонлар ҳаётида кескин ўзгариш ясади. Яширишнинг ҳожати йўқ. Фермерлик ҳаракати бошланиб, ер ўз эгаси, яъни деҳқонга берила бошланган дастлабки йилларда айрим кимсалар бу соҳага ишончсизлик билан қарагани, деҳқон мустақил фермер бўлиб, ерни бошқара олмайди деб ўйлагани, ҳатто бу эзгу ҳаракат йўлига турли кўзга кўринмас ғовлар қўйилгани ҳам бор гап. Лекин бугун барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, фермерлик ҳаракати, фермер ўзини оқлади. Бугун фермерлик ҳаракати вакиллари мамлакат иқтисодиётининг ишончли устунларидан бирига айланиб улгурди. Далаларимизда етиштирилиб, давлатга сотилаётган ғалла, пахта ва бошқа шунга ўхшаш деҳқончилик экинларининг асосий қисми ҳам фермерларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энг асосийси эса, бугунги фермер мустақил. У кечаги колхозчига ўхшаб "колхоз қачон ҳақимни берар экан", деб кутиб ўтирмайди. Чунки банкда ўзининг ҳисоб рақами ва унда маблағи бор. Маълумки, ўз маблағига эга бўлган одам ҳеч қачон бировга қарам бўлиб қолмайди. Қолаверса, бугун фермерни қўллаб-қувватлайдиган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган бир қатор қонунлар ва Президент Фармонлари мавжудки, айнан ана шу сабабли ҳам бу эзгу ҳаракат кундан-кунга ривож топиб бормоқда.

Келинг, шу ўринда бир мисол келтириб ўтайлик.

Bugunning gapi

Отасининг бир гапи туртки бўлиб, 1993 йилда Муҳаммадали Мадиёров укаси Аҳмадали билан бирга фермер хўжалиги ташкил этишганди. Янгиқўрғон тумани ҳокимининг 1994 йил 14 январдаги қарори билан "Камол" фермер хўжалиги ташкил этилди ва унга Доли Саттаров номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан беш гектар ер майдони ажратиб берилди.

Экин майдони Равот ҳамда Навкант қишлоқлари ўртасидаги қир-адирларда жойлашган бўлиб, кам ҳосилли, боз устига сув ҳам танқис эди. Деҳқончиликда бир гап бор: чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Ака-ука фермерлар маслаҳатни бир жойга қўйиб, биринчи йили беш гектар ер майдонининг ҳаммасига буғдой экишди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

МУЛК ҚАЧОН ЭГАСИЗ, ДЕБ ТОПИЛАДИ?

Бундан ўттиз йил муқаддам турмушга чиққан эдим. Тақдир экан, ўртамизда фарзанд бўлмади. Бундан икки йил илгари турмуш ўртоғим вафот этди. Бугунги кунда ёлғиз яшайман. Қариндошларим ҳам йўқ. Келажакда менинг мол-мулким кимга қолиши мумкин?

З.ИРИСМАТОВА,
Ғазалкент шаҳри

— Фуқаролик кодексига асосан, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган тақдирда, мерос мол-мулк эгасиз, деб ҳисобланади.

Эгасиз қолган мол-мулкнинг меросхўрлари йўқлигига оид ҳолатлар атрофлича, тўлиқ текшириб кўрилгач, тегишли хулоса чиқарилиши мумкин. Хусусан, мерос қолдирувчининг эри (хотини), болалари, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа қариндошлари бор-йўқлиги қўниқўшнилардан албатта сўраб-суриштирилиши керак. Мерос қолдирувчи нотариал тасдиқланган васиятнома қолдирган-қолдирмагани, унинг меросхўрлари меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган-этмаганини аниқлаш учун нотариал идораларга тегишли сўров билан мурожаат этиш зарур.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти идораси ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораси аризаси бўйича, мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгач, суднинг ҳал қилув қарори асосида эгасиз қолган мол-мулк, деб топилади.

Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, юқорида кўрсатилган муддат (бир йил) ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда ушбу кодекснинг 1157-моддасига мувофиқ, эгасиз қолган деб топилган мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш идораси мулкига ўтади. Бу идора мол-мулкдан воз кечган тақдирда эса давлат ҳисобига ўтказилади.

БЕЗОРИЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Маҳалламизда 3. исмли кимса ичкиликка қаттиқ ружу қўйган. Энг ёмони, у ичиб олгач, албатта, жанжал чиқаради. Маҳалла аҳли уни тўғри йўлга солишга кўп марта ҳаракат қилди. Бироқ бундан ҳеч қандай натижа чиққани йўқ. Айтингчи, қонунда безорилик қилган шахсларга нисбатан қандай жазо белгиланган?

Д.ЎРМОНОВА
Тошкент шаҳри

— Ҳа, ҳаётда тўғри йўлдан адашган шундай кимсалар ҳам учраб туради. Шу боис ҳам қонунда бундай номуносиб хатти-ҳаракат учун тегишли чоралар белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 277-моддасида безорилик учун жавобгарлик масаласи белгиланган. Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уришдўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса;

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Безорилик:

а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб;

г) ўз мазмунига кўра, умумэътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланган ўтакетган беҳаёлик билан;

д) ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб;

е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса;

— уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Безорилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб;

в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;

г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса;

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Яқинда ўртада тузилган шартномага биноан маҳсулот билан таъминловчи томон уни ўралган ва сифатли ҳолда етказишни ҳам ўз зиммасига олган эди. Бироқ навбатдаги келтирилган маҳсулот талаб даражасида ўралмагани ва яхши жойлаштирилмагани сабабли анча шикастланибди. Бунинг натижасида мен моддий зарар кўрдим. Ушбу зарарни етказиб берувчи томондан ундириб олсам бўладими?

Ж. ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Каттақўрғон шаҳри

— Албатта, сиз етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эгасиз. **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 28-моддасида товарларни марка белгисиз, шунингдек, товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддада белгиланган жавобгарлик етказиб берувчи томонидан қуйидаги шартлар бажарилмаган ҳолда товарлар етказиб берилган тақдирда келиб чиқади:

- марка белгиси қўйилмаган ҳолда;
- лозим даражада маркировкаланмаган ҳолда;
- идишсиз ёки ўралмаган ҳолда;
- тегишли идишга жойланмаган ҳолда;
- лозим даражада ўралмаган ҳолда.

Етказиб берувчи томонидан ушбу шартлар бажарилмаган тақдирда, сотиб олувчи (буюртмачи) қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- бундай товарлар қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга;
- товар қабул қилинган, кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда, жарима ундиришдан ташқари ўз кучи билан ва етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўраш ва идишга жойлашга;
- сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчи билан бир шаҳарда жойлашган бўлса, ундан товарларни ўраб беришни ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Konstitutsiya kuni oldidan

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорликнинг, мамлакатда туб ўзгариш ва янгиланишларга кенг имкониятлар туғдирган ислоҳотларнинг меъмори ва асосчисидир.

— **Конституциянинг 89-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир", дейилган...**

— Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқарув усулининг Президентлик бошқарув модели, яъни шакли қарор топдики, бу мазкур замонавий бошқарув тизимининг ўзаги ҳисобланади. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республикамизнинг қатъий позициясидир.**

Бу, таъбир жоиз бўлса, ўтмиш йилларининг хатоларини, давлат тизимининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш натижасидир. Бу — таркиб топган ижтимоий воқеликка нисбатан берилган баҳо. Бу — Ўзбекистон халқининг ижтимоий тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилиши инъикосидир.

Халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланган Президент давлат бошлиғи сифатида ҳукуматни тузади ва унинг фаолиятини бошқаради. Ҳукумат эса Президент сиёсатини амалга оширади.

Президентлик бошқарув шакли мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилишида асосий кафолат вазифасини ўтамоқда. Президентлик бошқаруви туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви жадаллашди, мамлакатни тоталитар тузумга томон буриб юборувчи чекланиш ва хатоликлар бартараф этилди. Энг муҳими, инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқишига ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Халқимизнинг мустақиллик учун, озод ҳаёт учун олиб борган курашлари осон кечгани йўқ. Ўтган ўн тўрт йилда рўй берган воқеалар мамлакатимизда Президентлик институти жорий этилгани нақадар тўғри бўлганини исботлади. Истиқлол йилларида давлат бошқарувининг халқаро тан олинган андозларига ўтилгани, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ривожлантирилгани, бошқарувнинг демократлаштирилаётгани шундан далолатдир.

— **Бўритош Мустафоевич, фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир конституциявий қоидаларнинг мазмун-моҳиятини ҳам шарҳлаб бersангиз.**

— Даставвал, Конституциямизда ана шу уч муҳим институт – фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилганини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Асосий Қонунда қайд этилганидек, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар. Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди.

Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Ушбу принцип шуни англатадики, барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: **"Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади".**

Ўз галида, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **бу — ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.**

Ушбу дастуриламал йўлланмада давлат қурилишининг асосий йўналишлари аниқ таърифлаб берилган. Зотан, давлат бош ислоҳотчи сифатида жамиятни либераллаштириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилаши боис, мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш учун кенг имкониятлар туғилди. Тараққиёт кафолати сифатида сўз эркинлигига, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга кенг йўл очилди.

Бунинг натижасида давлат ва жамият ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, сиёсий партияларнинг фаоллашувига шарт-шароитлар яратилди. Бу эса ўз-ўзидан давлатнинг назоратчилик вазифаси аста-секин камайиб, айни масъулият жамоатчилик зиммасига ўтишига, яъни жамоат назорати кучайиб бориши орқали фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий талаблари адо этилишига замин ҳозирлади.

Мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди.

— **Конституциянинг ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштиришга доир ислоҳотларда тутган ўрни ҳамда аҳамиятига тўхталсангиз.**

— Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Шу маънода, 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII-бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Асосий Қонунимизга киритилган мазкур тузатишлар, бир томондан, Конституциямизнинг нечоғли барқарор эканлигидан далолат, иккинчи томондан, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги йирик қадам бўлиб, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Бугун Ўзбекистон давлат ва жамият қурилиши соҳасида ўз тараққиётининг муҳим босқичига кирди. Мамлакатимизда тадрижий равишда ва изчиллик билан амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатининг самараси ўлароқ, мамлакат Президентининг айрим ваколатлари ҳукумат, Олий Мажлис ҳамда қуйи маҳаллий ҳокимият бўғинларига ўтмоқда. Айниқса, бу ваколатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларига давомли тарзда ўтаётгани чинакам фуқаролик жамиятини шакллантириш учун кенг имкониятлар яратади.

Конституциянинг 12-моддасида: **"Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади"** деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидандир. Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида эътироф этганидек, **ўтган сайловлар халқимиз сиёсий савияси етуклигини намоён қилди.**

Мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлган бу сиёсий тадбир Конституциямизда белгилаб қўйилган қоидаларга тўлиқ мос тарзда ўтгани билан ҳам тарихий аҳамиятга эга. Сайлов жараёнларида сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг фаоллиги айниқса кўзга яққол ташланди. Сайловларда иштирок этган барча партиялар Парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил қилишга эришгани ҳам шундан далолатдир.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш сиёсатининг яна бир қирраси — истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун бу соҳадаги демократик ислоҳотларнинг ҳақиқий намунасидир.

Кейинги йилларда муайян жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилгани жиноий жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил, тадрижий ва узлуксиз давом эттирилаётганини кўрсатади. Президентимизнинг 2003 йил 26 сентябрдаги **"Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"**ги Фармони билан жиноий қонунчиликка муҳим ўзгартиришлар киритилди.

Конституция қоидалари, шунингдек, ижобий ўзгаришлар жараёнига асос қилиб олинган **"Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун"** деган ғоя суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар учун ҳам бош мезонга айланди. Шахс дахлсизлигини кафолатлаш, инсон ҳуқуқини суд томонидан таъминланишига эришиш ҳуқуқий ислоҳотларнинг янги босқичидаги асосий вазифалар этиб белгиланди.

Бу йўлдаги эзгу интилишларимиздан кўзланган асл мақсад-муддоаларимиз Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги ва **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги фармонлари мисолида яна бир бор яққол намоён бўлди.

Юртдошларимиз Президент фармонларининг моҳияти ва аҳамиятини теран англаб, уларни ҳамжиҳатлик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Зотан, бу фармонлар замирида, аввалambор, инсонпарварлик, адолатпарварлик, бағрикенглик каби халқимиз табиатига мос олижаноб фазилатлар мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва натижаларимиз, ўз навбатида, ҳар биримиздан жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда ўз ҳиссамизни қўшишни талаб қилмоқда, бунёдкорлик саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришни ҳамда бошлаган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Ҳалқимиз ўзи орзу қилган буюк марраларга етишида Асосий Қонун — Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаверади.

ЎзА мухбири Ғулом МИРЗО суҳбатлашди

Bugunning gapi

МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПАЁТГАН ОДАМЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Яхши ниятда сепилган уруғ бехато, бир текис унибчиқди. Бу фермер хўжалиги аъзоларининг ғайратига-ғайрат қўшди. Экин оби-тобида суғорилди. Ўз вақтида менерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. "Сендан ҳаракат мендан баракат", деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳамжиҳатликда меҳнат қилган ака-укаларнинг хирмони бир йилдаёқ кўпчиликнинг назарига тушди. Улар давлатга буғдой сотиш режасини ортиғи билан бажариб, ўзлари ҳам талайгина ғаллага эга бўлишди.

Халқимизда "катта ғилдирак қаёққа юрса, кичиги ҳам унинг ортидан юради", деган ибора бор. Катта акаларининг ортидан Ҳакимжон, Баҳодир, кейинчалик Нажмиддин ва Баҳриддинлар ҳам эргашишди. Акаукалар олинган соф даромад эвазига фермер хўжалиги учун аввалига "Т-28" русумли қатор ораларга ишлов берадиган трактор сотиб олишди. Табиийки, беш герктар ер майдони қўлида техника ҳамда ишчи кучи етарли бўлган фермер хўжалиги учун камлик қилади. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги аъзолари ўз экин майдонларини кенгайтиришга қарор қилишди. Уларнинг таклифини маҳаллий ҳокимиятдагилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Фермер хўжалигига яна қўшимча ер майдони ажратиб берилди.

Жорий йилда "Камол" фермер хўжалиги аъзолари 22 гектар ер майдонининг 18 гектарида пахта, 3 гектарида буғдой, 1 гектарида сабзавот маҳсулотлари етиштиришди.

— Пахта миллий бойлигимиз, — дейди "Камол" фермер хўжалигининг бошлиғи Муҳаммадали Мадиёров, — бу шунчаки "қизил гап" эмас. Фикримни қуйидаги мисол билан исбот этсам. Биргина ўтган йилнинг ўзида пахтачиликдан 5 миллион сўм соф даромад олдик. Бу даромад ҳисобига "Т—4" ҳайдов трактори сотиб олдик, фермер хўжалиги аъзоларининг дам олишлари учун дала шийпони қурдик. Бундан ташқари йил якунига кўра, фермер хўжалиги аъзоларига катта миқдорда мукофот пули тарқатдик.

Бу йилги ишларимиз ҳам чакки эмас. Уч гектар ерга буғдой экиб, ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерданга етказдик. Давлатга режа бўйича 6,5 тонна ғалла сотдик. Ўзимизга ҳам талайгина буғдой қолди. Деҳқончиликда "капсан" деган гап бор. Икки тонна буғдойни қишлоғимизда яшовчи қарияларга, кам таъминланган оилаларга бепул тар-қатдик.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, баъзи бир фермер хўжалиги раҳбарлари ерни қўлга киритгач, у ерда ишлаб келаётган деҳқонларнинг бир қисмига жавоб бериб, фақат ёлланма ишчи кучидан фойдаланишга уринишади. Бу аҳоли зич яшайдиган айрим қишлоқларда вақтинчалик ишсизлик муаммосини келиб чиқариши мумкин. Бу масаланинг бир жиҳати, иккинчи жиҳати эса ёлланма ишчи кучидан фойдаланаётган фермер хўжаликларининг аксариятида деҳқончилик ишлари орқага кетиб, бундан нафақат фермернинг ўзи, балки мамлакат иқтисоди ҳам зиён кўриши мумкин.

— Тўғри, — фикримизга қўшилади фермер хўжалиги раҳбари, — деҳқончилик жуда нозик соҳа. Унда қўл учида меҳнат қилиш ҳеч қачон кутилган самарани бермайди. Мана фермер хўжалигини ташкил этганимизга ўн бир йил бўлди. Ўтган муддат мобайнида бирон-бир деҳқон ўз даласидан четлаштирилгани йўқ. Бугунги кунда фермер хўжалигимизнинг 27 нафар ҳақиқий аъзоси бор. Улар кимлигидан қатъи назар, бир хил ҳақ-ҳуқуққа эга. Энг муҳими, фермер хўжалиги аъзоларининг барчаси ерни ўзиники деб билади. Шу боис астойдил юракдан меҳнат қилади. Менинг назаримда, қўлга киритаётган ютуқларимизнинг асосий омили шунда.

Кўпроқ фойда олишни ўйлаб, бугун даласига бировни, эртага бошқа кишини олиб келиб, ишлатаётган фермер ҳеч қачон кўзлаган ҳосилни ололмайди. Чунки ҳосил ўз-ўзидан етиштирилмайди, у алоҳида парвариш, узлуксиз фидойи меҳнатни талаб қилади. Бунинг устига бугун биз, деҳқонларга катта ишонч билдирилиб, ер ихтиёримизга бериб қўйилаган. Ана шу ишончни оқлаш, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун фидойилик билан меҳнат қилишимиз лозим. Гапнинг бўлари шу.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ишлайман, ўз имкониятларимни юзага чиқараман, деган киши учун юртимизда барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Бир сўз билан айтганда, ишлайдиган, ишлаган одамнинг ошиғи олчи турадиган давр келди. Отаболаримиз таъбири билан айтадиган бўлсак, ер пешона тери, ҳалол меҳнат қилган деҳқонга бағрини очади. Ундан неъматларини аямайди. Шундай экан, бугун ўзининг ҳам, халқнинг ҳам дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшаётган фермерларнинг ошиғи олчи бўлишига шубҳа йўқ.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil va sadoq

КОРХОНА НЕГА БАНКРОТ БЎЛДИ?

Бугун мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, мулкдор бўлиши учун тўлиқ ҳуқуқий асослар яратилган. Агар кимдир фалон завод ёки корхона қурибди, деб эшитсак, сира ажабланмаймиз. Чунки бугун даврнинг ўзи ҳар биримиздан мулкдор бўлиш, тадбиркорлик билан шуғулланишни тақозо этмоқда.

Бироқ кимки оқилона фаолият юритмаса, тадбиркорликни эплай олмаса, иқтисодиёт қонунига амал қилмаса, тез орада муваффақиятсизликка учраши, қарздор бўлиб, бор-будидан ажраб қолиши ҳам тайин. Одатда, кўпчилик елиб-югуриб, қийинчилик билан бирор-бир корхона ташкил этади. Лекин баъзилар майдачуйда тўсиқларга бардош беролмай, қарзга ботиб қолади. Шундан сўнг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида идорама-идора зир югуришади. Баъзилари эса ҳокимликлардан рўйхатдан ўтишади-ю, бюджет ва мажбурий тўловлардан қочиб, уч-тўрт йиллаб фаолият кўрсатмайди. Натижада банкрот ҳолига тушиб қолади.

Хатирчи туманидаги "АТП-156" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналардан биридир. Корхона бундан икки йил муқаддам мулк шаклини ўзгартириб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган эди. Унинг низом жамғармаси қарийиб 11 миллион сўмни ташкил этади. Корхонанинг молиявий аҳволи қатор йиллардан буён ночорлигича қолиб келмоқда. Масъулияти чекланган жамиятнинг 2005 йилнинг ярим йиллик ҳисоботига кўра, 110 миллион 606 минг сўмлик асосий воситалари бўлиб, маъмурий бино, иншоотлар, 55 та юк ташувчи автомашина ва 2 та автобуси мавжуд. Жами айланма маблағлари 87,9 миллион сўмни, шу жумладан, ишлаб чиқариш заҳиралари 12,9 миллион сўм, дебитор қарзлари 61 миллион 312 минг сўмни, кредиторлик қарзлари эса 84 миллион 165 минг сўмни ташкил этади.

Корхона 2005 йилда тайинли фаолият кўрсатмаганлиги боис, ўтган 6 ойда бор-йўғи 24 миллион 543 минг сўмлик иш бажарилган, холос. Бу ҳол ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 65 фоизга камайиб кетган. Бунинг устига ғалла мавсумида техникаларга эҳтиёт қисмларининг олиниши оқибатида харажатлар ошиб кетди ва 4 миллион 233 минг сўмлик зарар кўрилди.

Вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси 2005 йилнинг 27 августида вилоят хўжалик судига банкротлик иши очиш бўйича ариза киритди.

Суд туман Давлат солиқ инспекцияси вакилининг солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича қарздор "АТП-156" масъулияти чекланган жамиятининг 63 миллион 793 минг 242 сўм қарздорлигига нисбатан суд санацияси тамомилини жорий этиш тўғрисида овоз бершига ваколати йўқ деб ҳисоблади ва кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарздорга нисбатан банкротлик таомилларидан бирини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилмаган, деган тўхтамга келди.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 75-моддаси, 2-қисмига кўра, агар кредиторларнинг биринчи йиғилишида банкротлик таомилларидан бирини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмаган ёки хўжалик судига бу қарорлардан ҳеч бири, ушбу қонуннинг 10-моддасида белгиланган муддатда тақдим этилмаган бўлса, хўжалик суди банкротлик аломатлари бўлган тақдирда, агар ушбу моддада бошқача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Шундан келиб чиқиб, суднинг шу йил 21 октябрдаги мажлисида "АТП-156" корхонаси банкрот деб эътироф этилди. Тугатиш бошқарувчиси этиб А.Аҳмедов тайинланиб, унинг зиммасига икки ой ичида ишни ниҳоясига етказиш вазифаси юклатилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг 2005 йил 9 ойлик якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда жойларда иқтисодий танг ҳолатга тушиб қолган хўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб эътироф этиш ва тугатиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш жараёнлари чўзиб юборилаётганлиги, бундан Навоий вилояти ҳам мустасно эмаслиги таъкидлаб ўтилган эди. Бугунги кунда корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси йиғилишида муҳокама этилган 40 та хўжалик юритувчи субъектларни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни соғломлаштириш мақсадида бундай корхоналарни тугатиш, банкрот деб эътироф этиш **"Банкротлик тўғрисида"**ги қонун асосида амалга оширилади. Вилоят хўжалик суди томонидан бу борада муайян ишлар олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида вилоят прокуратураси, солиқ идоралари, банкротлик органи ва кредиторлардан 311 та хўжалик юритувчи субъектларни банкрот деб эътироф этиш тўғрисида аризалар тушди. Суд қарорига асосан уларнинг 274 таси банкрот, деб эътироф этилди ва тугатишга доир иш очилди. Шундан 110 таси тўлиқ тугатилиб, давлат реестиридан чиқарилди. 53 та ариза бўйича суд бошқарувчиси томонидан тақдим этилган якуний ҳисобот суд ажримига асосан тасдиқланиб, давлат реестиридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказувчи идораларга юборилди.

Ҳукумат комиссиясининг йиғилишида муҳокама этилган 17 та истиқболсиз корхонанинг 9 тасига нисбатан банкрот деб эътироф этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди. Жумладан, "Хатирчиагроюқ" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан иш корхона тўлов қобилиятини тикланганлиги ҳамда келишув битимига асосан тугатилди. "Қарақатқурилиш" масъулияти чекланган жамият бўйича ариза эса қайтарилди. Негаки, бу корхонанинг умумий кредиторлик қарздорлиги қонун талабларида кўрсатилган, Ўзбекистонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 500 баробаридан кам бўлган. Навбаҳор туманидаги "Қалқонота таъминот савдо", "Навбаҳор қурилиш ва автотранспорт", Кармана шаҳридаги "Ислом", Нурота туманидаги "Ғозғонсавдо", "Нуробод", "Истиқбол", Хатирчи туманидаги "Лангар гранит" каби корхоналар банкрот, деб эътироф этилди. "Қизилтепа таъминоти", "Навоий меъмор", "Навоийсувгазқурилиш", "Аскамар", "Навоий ободончилиги", "Лочин" корхоналари бўйича кузатув жараёни олиб борилмоқда.

Банкротликка оид ишларни ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, шаҳар ва туман ҳокимлари корхоналарни тугатиш тўғрисида ўз вақтида судларга мурожаат қилишмайди. Натижада ночор корхоналар сони кўпайиб кетади.

Халқимизда "касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деган ҳикмат бор. Шундай экан, банкротга учраган корхоналарни ўз вақтида тугатиш ҳақидаги Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. У шак-шубҳасиз, халқимиз тараққиётига хизмат қилади. Бу эса масаланинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Х.КАРИБАЕВА,
Навоий вилоят хўжалик суди судьяси
Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jamiyatimiz maqsadi

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МАҚСАДИ

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини руёбга чиқаришдир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Сенатнинг назорат ваколатлари хусусида сўз юритганда, Сенат регламенти тўғрисидаги қонуннинг саккизинчи бобидаги иккита, хусусан, парламент сўрови (31-модда) ва назорат қилиш соҳасида унинг ваколатлари амалга оширилиши билан боғлиқ меъёрларга (32-модда) тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки айнан шу моддаларда парламент назоратининг Сенат, сенатор сўрови; Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва ҳисоб палатасини ҳисоботини эшитиш; Сенатнинг мутлоқ ваколатлари доирасида Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳар йилги ҳисоботини Сенат мажлисида кўриб чиқиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиш каби йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Парламент назоратининг мазкур йўналишларини амалга ошириш механизмига доир қонунда таъкидланишича, Сенат, шунингдек, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари парламент сўрови тарзида юборилган талабларга жавобни Сенат мажлисида жавоб беришлари қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Шу ўринда, парламент сўрови билан боғлиқ 31-модданинг учинчи қисмида: **"Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов идораларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга таалluқли бўлиши мумкин эмас"**лиги белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Одатда, парламент сўрови бўйича мутасадди идоралар раҳбариятининг ахбороти Сенат мажлисларида эшитилиб, сенаторлар томонидан муҳокама қилинади. Бунда энг муҳими, парламент юқори палатасининг муҳокама якунлари бўйича қабул қилинадиган қароридир. Сенат қарорида ўша идоранинг фаолиятига баҳо берилади, яъни унинг ижобий жиҳатлари ҳам, камчиликлари ҳам акс эттирилади. Сенатнинг назорат соҳасидаги фаолиятида парламент сўровининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисоб палатаси ва Омбудсман ҳисоботлари дастлаб қуйи палата томонидан тингланади. Қонунчилик палатасининг бу борадаги қарорлари Сенатга келгач, муҳокамадан ўтади.

Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк йил якунида фаолиятларининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тайёрлаб, Сенатга тақдим этади. Сенатдаги тегишли қўмиталар иш режасида бу ҳисоботларни эшитиш масаласи белгиланган бўлиши керак. Қўмиталар мажлисида Бош прокурор ёки Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ёхуд Марказий Банк бошқаруви раисининг ҳисоботи тингланиб, батафсил муҳокама қилинади. Ҳисоботлар юзасидан қўмита мажлисида қарор қабул қилиниб, Сенат Кенгашига тақдим этилади. Кенгашда ҳам бу масала кўриб чиқилиб, қарор қабул қилиш орқали баҳоланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиш ҳисоботларни кўриб чиқиш механизмидан бироз мураккаблиги билан фарқланади. Сенат қўмиталари иш режасида ахборотларни эшитиш — қонунлар ҳамда Сенат томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ўрганиш алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаш лозимки, Сенат қўмиталари шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб, муайян тажриба тўплади. Сенатда Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Унда қонунларнинг ижро этилишини ўрганиш асосида назоратни амалга ошириш пухта тайёргарлик кўришдан бошланиши белгиланган. Бинобарин, тайёргарлик босқичида назорат предмети ҳисобланган қонун юзасидан саволнома тайёрлаш, ташкилий тадбирлар режасини тузиш, ишчи гуруҳи таркибига тегишли соҳа мутахассислари ва олимларни жалб этишдан тортиб, сенаторларнинг ҳудудий вакил эканликлари инобатга олиниб, ҳудудлардаги барча сенаторларнинг ишчи гуруҳлар таркибида самарали фаолият олиб боришини таъминлашгача бўлган жараёнлар назарда тутилмоғи лозим. Ишчи гуруҳи, зарурратга қараб, кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда қисқа муддат ичида назорат фаолиятини сифатли амалга оширишга эришмоқда. Қонунларни амалиётга тадбиқ этиш билан боғлиқ объктив ва субъектив омилларни чуқур таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иш тариқа ишчи гуруҳи қонун (қарор) ижросини ўрганиш натижалари тўғрисида умумлаштирилган маълумотнома тайёрлаб, қўмитага ушбу масалани атрофлича муҳокама қилиш имконини яратади. Бу маълумотнома мажлис қарорларининг тайёрланган лойиҳаси билан бирга қўмита аъзоларига олдиндан юборилади. Шу орқали қўмита мажлисида масала талаб даражасида муҳокама этилиши ва асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

Сенат қўмиталари мажлисида муайян қонун ижроси бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарларининг ахборотлари ҳам тингланади. Ижро идораларининг иштирокидаги муҳокама якунида қўмита қарорлар қабул қилади ва бу қарорлар тегишли идораларга, шу жумладан, ахбороти тингланган давлат ҳокимияти ва бошқарув идорасига ижро этиш учун юборилади.

Таъкидлаш жоизки, Сенат қўмиталари томонидан қонунлар ёки Сенат, унинг қўмиталари қарорларини ижро этиш юзасидан олиб бориладиган назорат ижро ҳокимияти тизимидаги назоратдан, яъни текшириш, тафтишлардан мазмунан фарқ қилади. Парламент назоратида масалага қонунларга қандай риоя этилаётгани ёки палата қарорлари қандай бажарилаётгани нуқтаи назаридан ёндашилади. Парламент назоратини амалга ошириш тартиби енгилроқ шаклда бўлиб, асосан, давлат идоралари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Сенат қўмиталари парламент назорати билан шуғулланганида ҳокимият тармоғи ёки давлат бошқарув идораларининг маъмурий-бошқарув ёхуд ташкилий-хўжалик фаолиятига аралашмайди. Балки муайян соҳа, тармоқ фаолияти билан боғлиқ қонун меъёрларининг амалий ижроси қандай таъминланаётгани, қонунларни қўллашдаги камчилик ва нуқсонларни таҳлил қилади. Энг муҳими, қонунларни такомиллаштиришга зарурат борйўқлигига кўпроқ эътибор қаратилиб, бирон-бир қонунни такомиллаштиришга доир таклифларини қонунчилик ташаббуси субъектларига юбориш билан кифояланилади.

Умуман, парламент назоратини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад қабул қилинган қонун ва қарорлар самарасини таъминлаш орқали демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Munosabat

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бироқ ҳамма яхши ниятларнинг устидан қора чизиқ тортиб, тирноқ остидан кир қидиришни одат қилган яна бир тоифа борки, уларнинг жазавали фикрлари, ончамунча соддароқ кишини чалғитиб қўйиши мумкин. Ўзбекистонга ва ўзбек халқига душманликни нафақат касбга, балки ҳаётининг маъносига айлантириб олган бу кимсаларга бирорта ижобий ишимиз, бирорта янги қадамимиз ёқмайди.

Бундай кимсалар Россия ва Ўзбекистон ўртасида иттифоқчилик шартномаси имзоланганини эшитган заҳоти нозик жойига ниш урилгандек инграб юборишди ва одатдагидек, ғингшишга тушишди. Улар ушбу тарихий ҳужжат икки давлатнинг равнақига, икки халқнинг бахт-саодатига қай даражада хизмат қилади, деган тушунчани нарига суриб қўйиб, ўзларининг турли хилдаги думбул фикрларини тиқиштиришга уринмоқдалар.

Ҳатто шу баҳонада Ўзбекистонни ғарб мамлакатларига қарши қўйишни исташаяпти.

Аслида эса бу фикрлар аллақачон моғорлаб бўлган. Чунки жуда кўп марта такрорланганидек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат майдонида ҳам ўз танлаган йўли, ўз мақсади бор. Бир мамлакат билан яқинлашганда бошқа бири билан орани узоқлаштириш бизнинг сиёсатимизга ёт. Ғаним кучлар буни яхши билади, тушунади, фақат тан олгиси келмайди.

Чунки уларга Ўзбекистоннинг тараққиёт зиналаридан юқори кўтарилиши, халқнинг тинч ва осойишта яшаши ёқмаяпти. Сабаби аён, ўзига тўқ ва бадавлат халқнинг ўртасига қутқу солиб, юртбузарликка даъват қилиб бўлмайди.

Қолаверса, Россия билан иттифоқчи мамлакатга қарши ҳарбий ва қўпорувчилик хуружларини амалга оширишнинг йўли қирқилгани, узоқ йиллик яккалашга қилинган ҳаракатлар, сарф-харажатлар, мамлакатни ичидан бузишга уринишлар чиппакка чиққани ҳам алам қилаяпти.

Халқимизда "ҳар ким ўз кунига омон бўлсин" деган бағрикенг бир тилак бор. Шўролар инқирозидан кейин ўз мустақиллигига эришган мамлакатлар, шу жумладан, Россия ҳам оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Янги жамият қуриш ҳеч бир халққа осон кечмади. Лекин биз бирорта мамлакатнинг тутган йўлини танқид қилмадик, билиб-билмай тош отмадик, ақл ўргатмадик, ҳеч кимга ҳеч нарсани даъво қилмадик.

Ўз мустақил сиёсатимизни олиб бордик. Ушбу Шартнома ҳам мустақил сиёсатнинг янги бир босқичи. Бу Шартнома Ғарбу-Шарқда, Жануби- Шимолда биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган, тенг асосда дўстона муносабатларни ўрнатмоқчи бўлган бирор давлатнинг манфаатига зид келмайди. Аксинча, бошқаларга ҳам ибрат бўладиган ҳодисадир.

Шу боисдан турли хил фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиб, уларга нисбатан шарҳ беришга ҳеч ким ҳожат йўқ. Қолаверса, мақсадлар Шартнома матнида очиқ-ойдин битиб қўйилган.

Фақат шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Россия ва Ўзбекистон муносабатларининг бу даражадаги ривожи фақат икки мамлакатнинг эмас, Европа ва Осиёдаги бошқа давлатлар равнақига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Бахтиёр РИЗО

Ogohlik zarurati

ЖОҲИЛНИНГ ҚУРОЛИ ЖАҲОЛАТ

Инсоният пайдо бўлган кундан бошлаб нима ёмон-у, нима яхши, деган саволга турли даврларда турлича жавоб топган. Ахлоқ ва ахлоқсизлик тушунчаси ҳам худди шундай, маданийлашган жамиятда ўз ўрнини топган ва минг йиллик қадриятларни ўз хулқи-атворига сингдирган инсондаги ахлоқ билан ўзидаги жоҳилликни енгиб чиқа билмаган, мавжуд қадриятларни қадрламайдиган, ўз шахсий манфаатидан келиб чиқиб фикрлайдиган, ўзгалардан ўзини устун қўйиш ақидасига берилган инсондаги ахлоқсизлик ҳар қандай жамиятда у ёки бу кўринишда намоён бўлиб туради.

Терроризм — ёвузлик тушунчасининг узвий бўлагига айланган бугунги кунда, давлат ва жамиятни ичдан бузишга, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган бундай ахлоқсизлик қадим-қадимдан бутун инсониятнинг нафратига учраган ва учраяпти.

Андижон шаҳрида 12-13 май кунлари рўй берган террорчилик ҳаракатлари юзасидан қўзғатилган жиноят иши Ўзбекистон Олий судида кўриб чиқилганининг гувоҳи бўла туриб, бундай ахлоқий тажовузнинг жамиятимиз учун нақадар қимматга тушганлигини, бундан ташқи ва ички ғанимларимиз фойдаланишга ҳаракат қилиб, юртимиз шаънига қандай бўҳтонлар тарқатганлигини — ўзига хос "онг террорини" юзага келтиришга бўлган уринишлар ва бу уринишларга қарши халқимизнинг қандай бирдамлик ва сабр-тоқат билан иш кўрганлигини бутун дунё билиб турибди.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи салоҳияти, буюк давлатчилик ғояси, миллий мафкурамизнинг тобора шаклланиб, комиллашиб бораётганлиги, жаҳон геополитикасида ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлаётганлиги кимларгадир ёқмаётганлиги натижасида маълум бир гуруҳларнинг пинжига доллар тиқиб, юртимиз тинчлигига рахна солинаётганлиги бутун халқимизнинг нафратига учради.

Андижон воқеалари... буни эслаш, бу ҳақда мулоҳаза юритиш кишини оғир ўйлар қуршовида қолдиради. Буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий "Мозийга қараб иш кўриш хайрликдир" деганидек, ахлоқсизликнинг бундай кўринишлари мозийда ҳам турли тарзда содир бўлганлигини, бунга қарши ҳамиша курашиб келинганлигини, бундай қилмишнинг умри қисқалигини ҳар бир ишончи барқарор одам яхши билади. Илмий адабиётлардан биламизки, ахлоқсизлик тажовузи асосан уч кўринишда намоён бўлади, бу жисмоний, ижтимоий ва руҳий.

Руҳий тажовуз деб, то Зенон замонларидан шу кунгача маълум бир ғоя билан кишилар онгини заҳарлаш ва бу ғоя тубида қандай ёмонлик борлигини англамаган ҳолда унга амал қилишга бўлган уринишлар натижасида келиб чиқадиган инсоннинг ўзига қаратилган, аммо буни ўзи англамаган ҳолда ҳоҳилликка берилишига, ўзига ва атрофдагиларга, айниқса, ёш авлод онгини заҳарлашга айтилади. Демак, ахлоқсизлик инсоннинг жисмига, ижтимоий шарт-шароитига ва руҳий ҳолатига тажовуз эканлигини, терроризм ҳеч қачон, ҳеч кимга фойда келтирмаганлигини англаймиз.

Бойлик ва нафсга ружу қўйган, бутун вужуди билан ёвузликка берилиб кетган кимсаларда на қиёфа, на миллат ва на ватан бор. Улар ватанпарварлик ғояларига, истиқлол ва келажакка истеҳзо билан қараб, ҳар қандай тузумда ва ҳар қандай жойда ҳукмронлик қилиш истагидан ўзга истакка эга эмаслар. Бугун халифалик тузамиз деяётганлар аслида фуқаролик урушини ваъда этаётганлигини ҳамма билиб турибди ва бу чиркин ақидани ҳеч ким қўллаб-қувватлаётгани йўқ. Арзимаган бойлик эвазига ватанини сотишга тайёр турган айрим кимсалар озгина фойда кўриб қолиш истагида юрибди ва халқнинг ланъат тамғаси эртами-индин уларнинг бўйинларига осилишини сезиб, қафасга тушган тулкидай ўзини ҳар томонга ураяпти. Халқаро ташкилотларни чалғитиб, улардан паноҳ излаб, бўҳтонлар уюштириб, етти авлодини ланъатга қолдириб бўлса-да, жон сақламоқчи. Ғарбга бориб ватанфурушлик қилиб юрган айрим кимсаларнинг тақдирига ачинишдан ўзга иложимиз йўқ. Қадимги Рим файласуфи Зенон ўзининг ахлоқ ва ахлоқсизлик тўғрисидаги ғояларини исботлаш учун шогирдларини икки гуруҳга бўлади. Бир гуруҳга ҳаётнинг гўзаллиги, инсон руҳий камолотга эришганда нималарга қодирлиги тўғрисида таълимот берса, иккинчи гуруҳга ҳаётнинг беъманилиги, ким кучли бўлса, яшашга, кучсиз эса ўлимга маҳкум дея таълимот беради. Натижада биринчи гуруҳда тарбияланганлардан давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар етишиб чиқса, иккинчи гуруҳдан террорчилар ва қотиллар етишиб чиқади. Ўзингни ўлдир деса, ўлдирадиган фанатлардан бутун Рим қўрқа бошлайди. Зенон қўрқув ва тажовуз тимсолига айланади. Натижада ўзи ҳам суиқасдга учраб ўлади. Демак, ҳамма гап маънавиятда — маърифатда экан, биз жамиятимизда бу соҳани янада ривожлантиришимиз шарт. Жаҳолатга қарши маърифат билан, огоҳлик билан иш кўриш ҳар биримизнинг бугунги кундаги бурчимиздир.

Шукур СОДИҚ

Xabar

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Конституциямиз қабул қилинганининг 13 йиллигига бағишланган "Парламент назорати: назария ва амалиёт" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий Хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа бир қатор вазирликлар, идоралар ходимлари, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 10 мартдаги **"Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган **"Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида қонунчилик ҳокимиятининг таъсири ва ролини кучайтириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш"** Концепциясига мувофиқ ўтказилди.

Семинар иштирокчилари инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини қабул қилиш ва амалда қўллаш механизмини такомиллаштиришда парламент назоратининг ролини ошириш масаласини атрофлича муҳокама қилдилар.

Шунингдек, семинарда амалдаги қонунчиликда парламент назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгиланган, бироқ парламент назорати масалаларини тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги таъкидланди. Шу муносабат билан ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда парламент назорати бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Семинар иштирокчилари парламент назоратига оид тушунчаларга аниқлик киритиш, Олий Мажлис палаталари, қўмита ва комиссиялари, қонунчилик палатаси депутати, Сенат аъзоси томонидан амалга ошириладиган назоратнинг мақсади, вазифаси, шакллари, тартиби ва босқичларини белгилаш, парламент палаталари назорат фаолиятининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, палаталар хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг назорат фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, парламент назорати натижасида қабул қилинадиган қарорларнинг юридик табиати ва улар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан парламент назорати қарорларини ижро этиш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар.

Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

XXI АСР НАФАСИ

РЕЖИССЁР ИШДАН ҲАЙДАЛДИ

АҚШ вице-президенти Ричард Чейни атрофида юз берган шов-шувли воқеалар тиниб улгурмай, у яна дунё матбуотчиларининг "назар"ига тушиб қолди. Душанба куни Ричард Чейни "СНН" канали орқали чиқиш қилган. Унинг чиқиши давомида экран юзида бир неча марта қора чизиқлар пайдо бўлган.

Шунда телевизордан кўз узмай кузатиб ўтирган томошабинлардан бири студияга қўнғироқ қилиб, эфир режиссёридан бу ҳолатни изоҳлаб беришни сўраган. Табиатан ўта эҳтиросли режиссёр ҳам ўз навбатида йўл қўйилган "хато"га қуйидагича изоҳ берган:

– Биз минбардан туриб ёлғон гапирувчиларга ўз муносабатимизни шу йўл билан ифода этдик. Буш ва Чейни бизнинг аскарларимизни ўз уйларига қайтариши шарт. Бу бизнинг сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқимиздир. Агар кўрсатувларимиз сизга ёқмаса, марҳамат, томоша қилмаслигингиз мумкин!..

"СНН" раҳбарияти бундай қўпол хатога йўл қўйган эфир режиссёрни ишдан ҳайдади. "Албатта, экранда пайдо бўлган қора чизиқлар студия компьютерининг "адашуви" оқибатида юзага келган бўлиши мумкин. Лекин режиссёр ўз шахсий фикрини бутун "СНН" телеканали номидан гапириб, интизомий хатога йўл қўйган. Унинг бунга ҳаққи йўқ эди. Шунинг учун биз уни ишдан бўшатдик", деб маълумот тарқатган "СНН" телеканали мутасаддилари.

ХИТОЙ: ҚЎМИР КОНИДА ПОРТЛАШ

Якшанба куни кечки пайт Хитойнинг Хэйлунцзян вилояти ҳудудида жойлашган "Дунфэн" кўмир конида кучли портлаш юз берди. Портлаш пайтида 221 нафар кончи ер остида бўлган. Қутқарув ишлари давомида 70 нафар шахтёрга ёрдам кўрсатилган. Расмий маълумотларга қараганда, 68 нафар кўмир қазувчилар фожиа қурбонига айланган. Қутқарув ишлари давом этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, портлашга тўпланиб қолган кўмир газининг ёниши сабаб бўлган.

КОСОВО: ЯШИРИН ҚАМОҚХОНАЛАР МАВЖУДМИ?

Газетамизнинг аввалги сонида Европа Иттифоқи Ассамблеяси парламенти (ПАСЕ) раиси Рени ван дер Линденнинг АҚШнинг Польша, Руминия, Эстония, Литва, Португалия, Испания, Норвегия ва Буюк Британия каби давлатларида яширин қамоқхоналари борлиги ҳақидаги маълумотини эълон қилган эдик. Куни кеча эса Швейцария Ташқи ишлар вазирлиги ходими Карин Карей АҚШнинг Туркия ва Косово давлатларида ҳам яширин турмалари мавжудлиги ҳақида хабар тарқатган.

Туркия давлати расмийлари ҳам "Ҳюрриет" газетаси орқали шу йилнинг 15 ноябрь куни МРБнинг махсус самолёти Истанбул аэропортига қўнганини тан олган. Лекин самолёт нега айнан Истанбул аэропортига қўнгани ва унинг бортида кимлар бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Мухолифат вакиллари ҳукуматдан МРБнинг махсус самолётлари бундан аввал ҳам Истанбул аэропортига бир неча марта қўнганлиги сабабларини ошкор қилишни талаб қилмоқда.

Шунингдек, 2002 йилда Европа Иттифокининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари лавозимида фаолият юритган Альваро Хиль-Роблес АҚШнинг Косово ҳудудида жойлашган "Бондстил" ҳарбий базасида ҳам яширин қамоқхона борлиги ҳақида Франциянинг "Монд" газетасига интервью берган. Альваро Хиль-Роблес ўз интервьюсида "2002 йилнинг сентябр ойида Косовога ташриф буюргани ва ана шу ташриф чоғида унга кузатув минорасидан баланд деворлар ва тиканли симлар билан ўраб олинган махсус қамоқхонани кўрсатишганини" алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, у "маҳбусларнинг кўпчилиги узун соқол қўйиб, Қуръон ўқиб ўтиргани" ҳақида ҳам тўхталиб ўтган.

Косово Омбудсмани ўринбосари Любинко Тодорович ҳам Хиль-Роблеснинг фикрларини маъқуллаб, "Бондстил" ҳарбий базасидаги сирли вазият уларни ҳамиша шубҳага солиб келганини маълум қилган. Чунки 2002 йилда АҚШ давлат департаменти ушбу базада 179 нафар маҳбус сақланаётгани ҳақида маълумот тарқатган эди. Лекин шу пайтгача на Европа Иттифоқининг бирор-бир вакили, на унинг Косоводаги инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича вакили Марек Новицки ушбу шубҳали базага кириш йўлини топиша олмаган.

АҚШ расмийлари эса ҳарбий базада сақланган барча маҳбуслар 2003 йилдаёқ "Бондстил"ни тарк этишгани ҳақида фикр билдиришмоқда. Хиль-Роблес эса ушбу яширин қамоқхона ҳамон фаолият юритаётгани эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлаган.

Ўз навбатида ПАСЕ АҚШнинг яширин қамоқхоналари юзасидан текшириш ўтказишда Европа Иттифоқига аъзо бўлган барча мамлакатларни ҳамкорликка даъват этмоқда.

ҚОР ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

Интернет маълумотларига қараганда, Европанинг бир қатор мамлакатларига ёққан қалин қор транспорт ҳаракатини издан чиқариб, электр таъминотига ҳам жиддий зарар етказмоқда. Масалан, Шотландияда ёққан қалин қор натижасида йўловчи поезд издан чиқиб кетган. Тўқсон нафар йўловчини манзилга олиб кетаётган поезднинг ҳалокати натижасида 9 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Германияда эса кутилмаганда ёққан қалин қор натижасида юзлаб автоҳалокатлар қайд этилган. Шунингдек, электр таъминотида ҳам жиддий узилишлар рўй берган.

Ҳатто стадионларни қор босиб қолгани ва уларни ўз вақтида тозалашнинг иложи бўлмаганлиги сабабли футбол бўйича миллий чемпионат ўйинлари ҳам номаълум муддатга қолдирилган.

Голландия эса қалин ва ҳўл қордан энг кўп азият чеккан. Мамлакатда қорнинг оғирлигини кўтара олмаган юқори кучланишга эга электр симлари узилиши натижасида жиддий муаммолар юзага келган. Кўплаб автомобил йўлларида эса қорнинг қалинлигидан машиналар "навбат"и пайдо бўлган. Ҳатто асосий йўллардан биридаги машиналар қаторининг узунлиги 70 километрни ташкил қилгани қайд этилган. Полициячилар ҳайдовчи ва йўловчиларнинг совуқдан музлаб қолмасликлари учун махсус уловларда уларга егулик ва иссиқ кийим етказиб бериш билан банд.

Парижда сайёҳлар учун Эйфель минорасига чиқиш вақтинча тўхтатиб қўйилди. Шунингдек, ҳукумат вакиллари аҳолига ўз шахсий транспортларида сайр қилмасликни маслаҳат бермоқда.

ИТАЛИЯ: ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ИШ ТАШЛАШДИ

Италиянинг уч йирик касаба уюшмалари давлат хизматчиларини янги йилга мўлжалланган давлат бюджетига қарши иш ташлашга даъват этмоқда. Иш ташлашларда ўқитувчилар, шифокорлар, банк ва почъта хизматчилари ҳам иштирок этишди. Чунки Италия ҳукумати 2006 йилда 100 минг нафар давлат хизматчилари штат қисқаришига тушишини режалаштирган эди. Шунингдек, иш ташловчилар солиқ тизимини ҳам қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Италиянинг йирик шаҳарларида эрталаб 9 дан тўрт соат давомида барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати тўхтатилган. Тушдан кейин ушбу ҳаракатга ҳаво транспорти ходимлари ҳам қўшилишди. Натижада Италия авиакомпаниялари 230 га яқин рейсни қолдиришга мажбур бўлди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу Италия бош вазири Сильвио Берлускони ушбу вазифага келган 2001 йилдан буён содир бўлаётган бешинчи оммавий иш ташлашдир.

ТДЮИ талабаси
Элёр НОСИРОВ
тайёрлади

Jinoyat va jazo

Бу ҳаётда ўз ўрнини топиб, сермазмун умр кечиришни истамаган инсон топилмаса керак, назаримизда. Афсуски, ҳамма ҳам ҳаётга шундай кўз билан қарамайди. Аниқроқ айтганда, шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар умрнинг мазмунини фақат еб-ичиш, башанг кийиниш-у, пул топишда, деб билади.

МУТТАҲАМНИНГ "ПАРВОЗ"И

СУД ОЧЕРКИ

"Қаҳрамон"имиз Нусрат Ғаниев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ана шу тоифага мансуб кимсалардан бири. Йўқса, у фирибгарликни ўзига касб қилиб, одамларни "чув" туширмаган бўларди.

Аввало Нусратнинг ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, унинг умр йўли "сермазмун" эканлиги кўринади. Яъни у 1998 йилда Қувасой шаҳар суди, 2000 йилда эса ўзи яшайдиган Тўрақўрғон туман суди томонидан Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан судланган. Бироқ бу қора қилмишидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олишни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, орадан уч йил ўтиб, қиз узатиб, куёв кўрадиган ёшда яна жиноятга қўл урди.

Қузнинг дастлабки кунлари эди. Нусрат косонсойлик Хайрулло Набиев билан жиноий тил бириктириб, фирибгарлик йўлига кирди. Икки ҳамтовоқнинг "тўр"ига дастлаб Жомашўй шаҳарчасида яшовчи Бахтиёр Йўлдошев, Содиқжон Рустамов, Тўрақўрғоннинг Калвак қишлоғидан Муҳаммадали Содиқов, Собиржон Муҳсинов илинишди.

— Чет элга ишга жўнатамиз. Қурилишда ишлайсизлар, ойлик маоши 300 долларлардан 500 долларгача. Озиқ-овқат, турар-жой кабилар иш берувчининг гарданида. Фақат озгина "харажат"идан қочмасанглар бўлгани, — деди Нусрат уларга ёлғон ваъда бериб.

(Давоми тўртинчи бетда)

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас маскан, деб ҳисоблаб келган. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила мамлакат келажагида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Оиланинг барқарорлиги эса никоҳга боғлиқ. Никоҳ қанчалик мустаҳкам бўлса, турмушнинг қут-баракаси шунча юқори бўлади.

СОҒЛОМ АВЛОД КАФОЛАТИ

Маълумки, 2005 йил мамлакатимизда **"Сиҳат-саломатлик йили"** деб эълон қилинган. Шу муносабат билан қабул қилинган дастурда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва баркамол авлодни жисмонан баҳувват қилиб тарбиялаш вазифалари белгиланган.

Бош қомусимизнинг 63-моддасида: **"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"**, деб қайд этилган. Булардан ташқари мамлакатимизда оилавий муносабатларга оид кўплаб қонунлар, қонун ости ҳужжатлари ва бошқа меъёрий актлар қабул қилинган. Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарорлари шулар жумласидандир.

Оила кодексининг **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш"** деб номланган 17-моддасига асосан, никоҳланувчилар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар, Вазирлар Маҳкамасининг **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"** ги Низомига кўра, никоҳланувчи шахслар руҳий, наркологик, захм, сил ва ОИВ/ОИТС хасталиклари бўйича тиббий кўрикдан ўтишади. Бундан кўзда тутилган мақсад — соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароит яратиш, ирсият билан боғлиқ касалликларга чалинадиган болалар туғилишининг олдини олишдир.

Сир эмас, баъзи йигит-қизлар тиббий кўрикдан номигагина ўтишга ҳаракат қилишади. Бунинг оқибати эса кейинчалик оилаларнинг бузилишига, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишига олиб келади.

Мазкур Низом қабул қилингач, никоҳга киришиш ҳақидаги аризанинг икки қисмдан иборат янги шакли ишлаб чиқилиб, 2004 йил 1 январидан амалиётга жорий этила бошланди. Аризанинг биринчи қисми никоҳга киришиш учун ариза берган куни, иккинчи қисми эса, улар тегишли тартибда тиббий кўрикдан ўтишгандан сўнг тўлдирилади. Афсуски, ҳаётда Низом талабларини ўзбошимчалик билан ўзгартириш ҳоллари ҳам учраб туради. Айрим вилоятларда бу талабларга зид тарзда никоҳланувчиларнинг белгиланган 5 та касаллик бўйича тиббий кўрикдан ўтказиш ўрнига, қўшимча равишда бошқа касаллик турлари бўйича ҳам текширувдан ўтказиш ҳолларига дуч келинаётир.

Низомнинг қўлланилиши борасида Республика Бош прокуратураси томонидан шу йилнинг феврал-март ойларида ФҲДЁ идораларида ўтказилган текширишларда қуйидагилар аниқланган. Айрим ҳудудларда тиббий кўрикда касаллиги аниқланган шахслар даволаниш учун тиббий муассасаларига юборилмасдан никоҳни қайд этилишига йўл қўйилган. Хусусан, Марғилон шаҳрида тиббий кўрикдан ўтган никоҳланувчиларнинг 16 нафарида олигофрения, 3 нафарида шизофрения, 4 нафарида сил, 1 нафарида гиёҳвандлик касалликлари аниқланган. Бироқ соғлиқни сақлаш муассасалари уларни даволаш муассасаларига юбориш чораларини кўрмаган, ФҲДЁ бўлими томонидан эса уларнинг никоҳлари қайд этилган. 2005 йилнинг тўққиз ойи мобайнида Самарқанд вилояти бўйича никоҳдан ўтиш учун 36188 нафар фуқаро ариза билан мурожаат этган ва улардан 95 нафарида Низомда кўрсатилган касалликлар аниқланган. 14309 нафарининг никоҳи қайд этилган, 2 нафари касаллиги аниқлангач, ўзлари никоҳдан ўтишни рад этишган. Тошкент шаҳри бўйича эса, никоҳдан ўтиш учун 22628 фуқоро ариза берган ва 230 нафарида Низомда кўрсатилган касалликлар аниқланган. 9481 нафарининг никоҳи қайд этилган, 3 нафари касаллиги туфайли никоҳдан ўтишни рад этишган.

Оила кодексининг 16-моддасига кўра, **бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида; насл-насаби бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ва ўгай ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида; руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.**

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилган экан, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш долзарб вазифалардан бири эканлигини ҳар биримиз ёдда тутишимиз шарт. Ана шундагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришамиз.

Жамшид САЪДУЛЛАЕВ,
талаба

Faoliyat

Giyohvandlik — asr vabosi

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ҳамда фуқароларимизга муносиб ҳаёт тарзини яратиб беришдир. Улуғ мақсадларга эришишда фақат давлатнинг фаоллиги етарли эмас, албатта. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ҳаракат қилишимиз, мамлакат ривожи, эркин ва фаровон турмушни барпо этиш йўлида тўсиқ бўлаётган иллатларни бартараф этмоғимиз керак. Ана шундай тўсиқлардан бири-бу гиёҳвандликдир.

УМР ЗАВОЛИ

Дунё аҳлини беҳад ташвишга солаётган гиёҳвандлик балоси кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятларга сабаб бўлаётгани барчага аён. Ушбу офат тўзоғига илинганлар орасида ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йигит ва қизлар, ҳатто бола-чақали, невара кўрганларнинг ҳам борлиги жуда ачинарли ҳолдир.

Хўш, қонун билан таъқиқланганига қарамай гиёҳвандлик моддаларини ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилувчилар бутунлай барҳам топмаётганининг сабаби нимада?

Биринчидан, ушбу жиноятдан келадиган жуда катта даромад унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунлар талаблари билан ҳисоблашмай ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган қилмишларга қўл уришга ундайди. Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда жаҳонда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қиладиганлар орасида 12-14 ёшли ўсмирлар сони кўпайган. Бу мудҳиш хасталик ёшларнинг онгини заҳарлаши, иродасини синдириб, уларни "зомби"га айлантириб қўйиши билан ғоятда хавфлидир.

Гиёҳвандлар сони ортиши билан гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний муомала қилиш ҳолатларига алоқадор жиноятлар сони ҳам ортган. Гиёҳвандлик моддаларини чегарадан олиб ўтиш ҳолларининг кўпайиши, бир томондан, унга бўлган талабнинг кучайгани туфайли юзага келса, иккинчи томондан, қўшни мамлакатлардаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият билан изоҳланади.

Шу ўринда баъзи ёшлар "оқ ажал"нинг оқибатларини била туриб, унинг қора чангалига илиниб қолишига нималар сабаб бўлмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Назаримизда, бу иллатга илашиб қолиш кишининг ўзига ва тарбиясига боғлиқ; иккинчидан, ён-атрофдаги воқеаларга беparволигимиз шунга сабаб бўлади; учинчидан, кишининг ҳаётда дуч келган қийинчиликлари, унга атрофдаги айрим шахсларнинг салбий таъсири уларни бу боши берк кўчага кириб қолишига олиб келади.

Гиёҳвандлик моддалари кучли руҳий таъсирга эга, уни атиги бирикки марта истеъмол қилган киши бевосита бу иллатга "асир" бўлиб қолади. Оқибатда бедаво дардларга чалиниши тайин. Масалан, ҳозирги вақтда ОИТСга чалинаётганларнинг 95 фоизи гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилардир. Бу хасталик энди туғилган норасида гўдакларга ҳам донорлик қони орқали ўтаётгани ташвишлидир. ОИТСга дучор бўлган кишини даволаш учун кетадиган бир йиллик энг кам харажат эса 10 минг АҚШ долларини ташкил этар экан.

Баъзи ёшларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишига айрим жинояткор кимсалар ҳам сабабчи бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Инсон тақдирига, ҳаётга енгил-елпи қарайдиган бундай кимсалар ёшлар онгини заҳарлаб, уларнинг тақдири билан ўйнашадилар: ҳали оқ-қорани фарқига бормайдиган ўсмирга гиёҳвандлик воситасини текинга бериб, ўз "сафини" кенгайтиришни кўзлайди. Бир неча лаҳзалик ҳузур-ҳаловат оқибатида гиёҳвандликка мубтало қилади, кейинчалик бу йўлда ҳеч нимадан тоймайди, ҳатто жиноятга ҳам қўл уради. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда содир этилаётган жиноятларнинг 75 фоизи айнан гиёҳванд моддалар таъсирида юз берар экан.

Шундай экан, умр заволи бўлмиш бу иллатга кескин қарши туриш, унинг турли-туман кўринишларига барҳам бериш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларга ҳар биримиз имкон қадар ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз шарт.

Нилуфар АШУРОВА

Куз манзаралари

Jinoyat anatomiyasi

ЁЛЛАНМА ҚОТИЛ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Халқимиз топиб айтган: гадонинг душмани гадо бўлади. Агар чукурроқ назар ташласак, бу нақл замирида катта ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига гувоҳ бўламиз.

Биргина мисол. Жиноят оламидаги аксарият қаттол жиноятчилар бошқа биров эмас, балки айнан уларнинг ўзига ўхшаш жиноятчилар қўлида ўлим топган.

Хўш, бунинг сабаблари нима билан изоҳланади? Албатта, бунинг минг битта сабаби бор. Мисол учун айтганда, биргина Александр Солоникнинг ўзи ўша пайтда шафқатсиз тарзда жиноят оламида ном қозонган бир қатор жиноий гуруҳ бошлиқлари, қонундаги ўғриларнинг умрига нуқта қўяди.

Эҳтимол, кимдир унинг бу ҳаракатларини қаҳрамонликка йўйиши ҳам мумкиндир. Йўқ, аслида бунинг қаҳрамонликка ҳеч қандай даҳли йўқ. Нега деганда, А.Солоник азбаройи ҳаётни бу иллатдан тозалаш учун эмас, аксинча, қайсидир бир жиноий гуруҳ бошлиғининг буюртмасига кўра, ана шундай қотилликларга қўл урган.

Аслида бунда юқорида келтирилган мақолнинг исботини ҳам кўриш мумкин.

Қисқаси, ўшанда Япончикнинг тутинган ўғли Калина бевақт ўлим топгач, жиноят оламида бир-биридан мудҳиш воқеалар рўй бера бошлайди.

Бу воқеадан сўнг орадан ярим йил ўтиб-ўтмай Москвадаги «У Лис са» кўнгилочар масканида снайпердан отилган ўқ жиноят оламининг яна бир вакили, қонундаги ўғри Валерий Длугач (лақаби Глобус)нинг умрига якун ясайди. Бу қотиллик шунчалик пухта ва аниқлик билан режалаштириладики, Глобуснинг ҳаётини зийрак танқўрикчилари ҳам, зирҳланган чет эл машинаси ҳам сақлаб қола олмайди.

Орадан кўп ўтмай эса айнан ана шу Баум жиноий гуруҳнинг яна бир «пешвоси» Владислав Виннер — лақаби Бобон — снайпер ўқининг нишонига айланди.

Кишини таажжубга соладиган томони шундаки, бу қотилликлар ўта сирли тарзда рўй беради. Яъни қотил ўзидан на бирон-бир белги, на из қолдирарди. Ҳар сафар воқеа сирли тарзда юз берарди.

Бироқ бунга қарамай жиноят оламидаги муайян кимсалар — эҳтимол, бу қотилликлар айнан «уларнинг» буюртмаси бўйича амалга оширилгандир — бу Александр Солоникнинг иши эканини яхши билишарди.

Ҳолбуки, кейинчалик тергов жараёнида Александр Солоник ўзининг берган кўрсатмаларида ҳам шундай қотилликларга қўл урганини рўй-рост тан олган.

Аммо ҳали унинг ҳибсга олинишига анча вақт бор. Шу боис ҳикоямизни бевосита у содир этган қонли жиноятлар асосида давом эттирамиз.

1994 йилнинг баҳорида Александр Солоник қутилмаганда Тюменга йўл олади. Мақсад — бу ердаги «Ўнлик» деб ном чиқарган ўта хавфли жиноий гуруҳ бошлиғи Андрей Рурой (лақаби Мамонт) билан орани очиқ қилиш эди. Александр Солоник «Герос» фирмаси офисида Мамонтга Москвадаги банкларнинг биридан олинган бир миллион долларга яқин қарзини қайтариб бериши кераклигини айтади.

Мамонт деганлари ўзига жуда бино қўйган, унча-бунчани писанд қилмайдиган, бунинг устига жиноят оламида ўзининг ёвузлиги билан ном чиқарган бир кимса эди.

Табиийки, Александр Солоникнинг ўдағайлагандек бир алфозда қарзни қайтаришни талаб қилаётгани унга ёқмайди. У А.Солоникка нисбатан ўта беписанд муносабатда бўлади. Бунинг устига ўша дақиқада унга кимсан, жиноят оламида номи кетган Отар Квантришвилининг ўзи қўнғироқ қилади ва у вазиятни билгач, Мамонтга «ортингда ўзим турибман, ҳеч нарсадан қўрқма», дейди. Бундан баттар руҳланган Мамонт А.Солоникни сен ҳеч ким эмассан, дея очиқ-ошкор кўчага ҳайдаб чиқаради.

Александр Солоник гарчи иззат-нафси ерга урилган эса-да, ортиқча эътироз билдирмайди, балки индамай изига — Москвага қайтиб кетади.

Аслида унинг ана шундай сукут сақлашида юракни увиштирадиган қўрқув бор эди. Боз устига у ҳеч қачон сўзи ерда қолганига эътиборсиз қараб кетолмасди.

Бу гал ҳам шундай бўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, аллақайси хилват гўшадан отилган снайпер ўқи Отар Квантришвилини ҳаётдан олиб кетади. Энг ёмони, ҳали бу қотилликнинг ваҳимаси пасаймай туриб, Тюменда Мамонт ҳам шундай мудҳиш тақдир билан юзма-юз келади. Қизиқ томони шундаки, ҳар икки жиноятни содир этишда қотил нишонни етмиш метр чамаси узоқликдан мўлжалга олган...

Албатта, жиноят ўз номи билан жиноят, у ҳаётга фақат ёвузлик уруғини сочиши, бегуноҳ одамларни азоб-уқубат чекишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам азал-азалдан жиноятнинг ҳар қандай кўриниши қораланиб, эзгу ниятли кишилар бу иллатга қарши муросасиз курашиб келган.

Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шундан иборатки, бундай жирканч йўлга кирган кимса ундан ҳеч қачон осонлик билан чиқиб кетолмайди. Аксинча, бу йўлнинг ўзи уни охир-оқибат фожеага гирифтор этади.

Ўшанда Александр Солоник Отар Квантришвили, Мамонт сингари жиноят оламидаги энг номдор кимсаларни «йўлдан олиб ташлагани»га қарамай, бари бир ўзини бутунлай хавфсиз ва тинч ҳис этмасди. Аксинча, ҳар бир дақиқада таҳлика ичида яшар, кун келиб бир кун қайсидир «дайди ўқ» ўзининг ҳам ҳаётига нуқта қўйишидан ўлардек қўрқарди.

1994 йилнинг кузида Александр Солоникнинг ҳаётида кутилмаган воқеа рўй беради. Ва шунинг оқибатида унинг жиноий фаолияти қарийб якун топади.

Воқеа бундай рўй берган эди. Кунлардан бир кун Александр Солоник ўзининг ҳамтовоқлари билан Москвадаги бозорларнинг бирида изғиб юрганда, туйқус милиция ходимлари тўхтатади ва милиция хонасига киришни айтишади. Александр Солоник улар билан баҳслашиб ўтирмайди ва итоаткор бир қиёфада ҳамроҳлари билан милиция хонасига киради. Ва шу ерда кутилмаганда даҳшатли фожеа рўй беради.

Гап шундаки, ўшанда Александр Солоник эгнидаги кийими — пиджагини олифталарча билагига ташлаб олган эди. Милиция ходимлари бунга мутлақо эътибор беришмайди. Аслида эса бу бир ниқоб эди. Чунки у пиджак остида «Глок» русумли автоматик тарзда ишлайдиган пистолетни яшириб олган эди. Эҳтимол, у шунга ишониб, милиция хонасига дадил кириб келаркан, милиция ходимлари ҳали гап бошлашга улгурмай туриб, пиджакни бир четга итқитиб юборади-да, кўз очиб юмгунча тўрт нафар милиция ходимини отиб ташлайди. Кейин эса бозор ичидан қочиб чиқаётиб, яна икки нафар милиция ходимининг ҳаётига зомин бўлади.

Қисқаси, ўша кун жиноий гуруҳ бегуноҳ одамларни қонини тўкиб, бозор ичидан қочиб чиқади. Фақат қаттол жиноятчи Александр Солоник «насибаси»ни олади, у оғир ярадор бўлади. Шунинг учун ҳам у узоққа қочиб кетолмай тез орада қўлга тушади.

Ҳақиқатан ҳам, у ўшанда оғир жароҳат олган, ўқ буйрагини тешиб ўтган эди. Шу боис уни зудлик билан жарроҳлик столига ётқизишади. Ва шифокорларнинг маҳорати туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Унинг тирик қолгани бир томондан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини хурсанд қилади. Чунки бундай ашаддий жиноятчининг қонли қилмишларига жавоб бермай осонгина ўлиб кетиши кишига алам қиларди. Демак, у ўлмай қолди, энди уни қилмишлари учун адолатли жазо кутаётган эди.

Аммо кишини таажжубга соладиган томони шундаки, у, қамоқхона шифохонасидан камерага ўтказилгач, алоҳида иштиёқ билан чет тилини ўрганишга киришади.

Бундан ҳам қизиқ томони — унинг афт-ангорида тушкунлик, эртага барча қилмишлари учун берилажак оғир жазони ўйлаб, қайғуга ботиш аломати мутлақо сезилмасди.

Афтидан, у эсини еб қўйганга ўхшарди. Ахир, энди у қолган умрини қамоқда ўтказиши тайин. Эҳтимол, унга қайта озодликка чиқиш ҳеч қачон насиб этмайди. Шундай экан, унга чет тилини ўрганишни ким қўйибди?!. Бунинг ўрнига бўйнидаги гуноҳлари учун тавба-тазарру қилса, яхши эмасми?

Қисқаси, ўшанда қамоқхона маъмурияти унинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриб, шунга ўхшаш фикрга борган.

Аммо улар ўлгудек айёр бу жиноятчи яна йўлини қилиб, қочиб қолиши мумкин, деган фикрни лоақал бир марта ҳам хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Александр Солоник эса буларга парво ҳам қилмай чет тилини иштиёқ билан ўрганарди.

Шу тахлит орадан саккиз ой ўтади ва қутилмаганда, Александр Солоник яна қамоқхонадан қочади. Бу воқеа 1995 йил 5 июлида юз беради. Унга қадар бу қамоқхонадан ҳали биронбир киши қочишга муваффақ бўлмаган эди.

Ўшанда, расмий маълумотларга қараганда, унинг қамоқхонадан қочишига қандайдир Меньшиков деган кимса ёрдам берган. Яъни у Александр Солоник ётган ҳибсхонага яширин йўл билан альпинистлар фойдаланадиган арқон ҳамда «Браунинг» маркали пистолет киритган.

Шундан сўнг одатдагидек қамоқхона томига кечки сайрга чиққан Александр Солоник қурол билан қоровулни бир зумда тинчитади ва арқон ёрдамида оппа-осон пастга тушиб олади. Кўчада уни «БМВ» русумли машина кутиб турарди...

Унинг учинчи марта қамоқдан қочиши шу тарзда кечади.

Табиийки, бу совуқ хабардан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бирдан оёққа туради. Бутун мамлакат бўйлаб ўта хавфли жиноятчи қидирилади. Аммо у ерга кирганми ё осмонга чиққанми, ҳеч қаердан дараги чиқай демасди.

Аслида Александр Солоник қамоқдан қочган кунинг ўзидаёқ чет элга чиқиб кетган, аммо айнан қайси мамлакатни қора тортиб йўлга тушгани номаълум эди.

Шу боис тез орада у ҳақда турли хил миш-мишлар пайдо бўлади. Яъни кимдир уни Италияда, бошқа бир киши Испанияда, яна биров Кипрда юрган эмиш, дейди.

Лекин бирон-бир киши уни аниқ қаерда эканини билмайди. Бу мавҳумлик қарийб икки йилга чўзилади.

Фақат 1997 йил 1 февралида рўй берган бир воқеа яна у ҳақида гап-сўзларнинг авж олишига туртки беради. Яъни айнан шу кун Грециядa Унинг жасади топилади.

Шу ўринда кишини бир жумбоқли савол қийнайди: хўш, бу дунёда ундан нима қолди?

Ҳа, шундай: ёвуз деган ном, бир-биридан мудҳиш жиноятлар... Бошқача айтганда, у умрини шундай иллатнинг урчишига сарф этди. Бугун унинг номини ҳамма нафрат билан тилга олади.

Демак, одам боласининг эзгуликдан чекиниб, қабоҳатни ихтиёр этиши нафақат ўзгаларни, балки унинг ўзини ҳам номини қора қилади.

Бобомурод РАЙИМОВ
тайёрлади.

ЭЪЛОН

"BARSZ-STAR" МЧЖ тугатилади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уй.

МУТТАҲАМНИНГ "ПАРВОЗ"И

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Айни пайтда бу одамлар унинг сўзларига лаққа ишонишди ва кимдир 150.000 сўм, бошқа биров 180.000 сўм пул ҳамда фуқаролик паспортини Нусратнинг қўлига тутказишди.

Ўз навбатида Н.Ғаниев уларни чет элга жўнатди. Бироқ соддадил ҳамқишлоқлари бегона юртда 3-5 ой ишласалар ҳамки, ваъда қилинган маошдан дарак бўлмади. Шундан сўнггина улар алданишганини тушуниб етишди.

Бунинг қарангки, уларни ишга жўнатгач, "ҳожатбарор" яна янги "ўлжа" излашга тушди. Бу гал унга яна косонсойлик Абдусамат Мўйдинов, Тошкент вилоятининг Пскент шаҳрида яшовчи Латиф Тўлқинов шериклик қилди. "Иш берувчи"лар энди мижозларига жуда сердаромад иш борлигини, ҳар ойда 150-200 АҚШ доллар топиш мумкинлигини оғизларини кўпиртириб гапиришди. Бундай "сердаромад" ишни рад этиб бўладими? Тез орада тўрақўрғонлик Муроджон Собиров, Бахтиёр Ҳакимов, Ғофуржон Нишонов, Асатилла Алишеров, Турғунали Тошбоев, Абдураҳим Тожибоев, Алижон Ҳомидов, Ғайбулло Қодировнинг исм-шарифи фирибгарларнинг рўйхатида қайд этилди. Ҳайратланарли томони шундаки, мазкур рўйхатда Н.Ғаниевнинг ўғли Шерзод ҳам бор эди. Ўз ўғлини қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришдан ҳам уялмаган ота ва унинг ҳамтавоқлари қолганлардан 175.000-200.000 сўмдан — жами 1.930.000 сўм олишади. Сўнгра фирибгарлар уларни "Дамас" автомашинасида Тошкент вилояти орқали Қозоғистон Республикаси чегарасига олиб бориб, — Қанот исмли шахсга топширишади-ю, ўзлари жуфтакни ростлаб қолишади.

Қисқаси, пул топишнинг бундай "антиқа" усули фирибгарларнинг "иштаҳа"сини янада очиб юборди. Орадан икки ҳафта ўтиб, Нусрат жомашўйлик Бурҳон Комиловни ўзига шерик қилиб олди. Шу боис бу safар "мижоз"ларни Бурҳон топадиган бўлди.

Шундай ҳам бўлди.

— Четга ишга жўнатаман. Бунинг учун ҳар бир киши менга 200.000 сўмдан бериши керак, — дерди Бурҳон хориждаги "қулайлик"лар ҳақида гапираркан.

Бурҳоннинг бу сўзларига лаққа ишонган Зоҳид Акбаров 200.000 сўм, Худойберди Кўзибоев, Одил Юсупов, Камолиддин Ўринов, Зуҳриддин Мўминовлар 150.000 сўмдан, Шокиржон Эргашев, Жамолиддин Турсуновлар 140.000 сўмдан, жами 1.080.000 сўм, яна 17 нафар фуқаро ўзларига хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи виза очдириш учун 369.200 сўмни унга санаб беришди. Бурҳон бу пулларни дарҳол Латиф билан Нусратнинг қўлига тутқазди. Нусрат билан Латиф бўлса, фирибгарлик тўрига илинган бу содда одамларни яна илгаригидек Қозоғистон Республикаси чегарасида Султон исмли шахснинг қўлига топширишди. Энди ана шу одамларнинг оддий буюм каби бегона қўлга ўтгач, қай аҳволга тушганини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Лекин учала фирибгар ҳали-бери инсофга келай, демасди. Топилган мўмай пулларни ҳазм қилиш ва янги "ўлжа"ларни топишга яна икки ҳафта вақт кетди. Игорь Хон, Муҳаммаджон Рустамов, Санжар Абдужалилов, Илҳом ва Икром Дарвешовдан иборат бешликни яна юқорида қайд этилган Султон қабул қилиб олди. Бунгача ҳамтовоқлар уларнинг 300.000 сўм пулини ҳамёнларига уришганди.

Албатта, ҳаётда қонунга хилоф ҳар бир хатти-ҳаракат ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Аммо бу ҳақиқатни на Нусрат Ғаниев хаёлига келтирди, на Латиф билан Бурҳон. Фирибгарлик йўли билан топилган мўмай даромад уларнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйганди. Бироқ кўза кунда эмас, кунида синади. Алданган фуқаролар уйига қайтгач, фирибгарларнинг қилмишлари тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар беришди.

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг ҳукми билан ҳар уч айбдор ҳам қонуний жазога тортилди.

Albatta, ҳаётда ҳеч қайси иллат, хусусан, фирибгарлик ҳам ўз-ўзидан ildiz отмайди. Бунга кимнингдир эътиборсиз муносабати, лоқайдлиги ва ишонувчанлиги сабаб бўлади.

Юқорида баён этилган воқеада ҳам барча айбни фирибгарларга ағдарсак, инсофдан бўлмайди. Нега деганда, алданган юртдошларимизнинг гумроҳлиги ва иллатни урчиб кетишига олиб келган.

Ҳолбуки, мамлакатимизда хорижга чиқиб, ишлайман деган кишилар учун барча қонуний асослар яратилган. Бироқ ана шундай қонуний асосларни четлаб ўтишга уриниш — айрим фуқароларни фирибгарларнинг тўрига илинишига олиб келган.

Айтмоқчимизки, ҳаётга очиқ кўз билан қараган, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қиладиган киши ҳеч қачон панд емайди. Аниқроқ айтганда, фирибгарларнинг тузоғига илинмаслик энг аввало, ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ.

Юсуфжон ОЛИМОВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat va jazo

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5